



**“ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИДА КРІ
АСОСИДА БАҲОЛАШ: СУБЪЕКТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ
ИНТЕГРАЦИЯСИ ВА САМАРАДОРЛИГИ”**

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 3-ўқув курси 310-гуруҳ
курсанти **Охунжонов Махмурод Ахаджон ўғли***

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Давлат-ҳуқуқий фанлар
ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш кафедраси ўқитувчиси, майор*

Ниматов Шерзод Ниматжонович

Мазкур мақолада ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, профилактика субъектлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизими ва унинг ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни (2014 йил) ҳамда Президентнинг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ–2833-сон қарори ва 2023 йил 21 декабрдаги ПФ–209-сон Фармони асосида профилактика фаолиятининг янги босқичи, хусусан, КРІ (Key Performance Indicators) тизими орқали баҳолаш механизми мазмуни ёритилган. Шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг— ички ишлар органлари, прокуратура, маҳалла институтлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятида самарадорликни оширишга қаратилган тизимли ёндашувлар кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, маҳалла даражасидаги “маҳалла еттилиги” институтининг роли, фаолият натижадорлигини КРІ кўрсаткичлари орқали баҳолаш, маҳалла раисининг 20 фоизли баҳолаш ҳуқуқи ва моддий рағбатлантириш тизимининг жорий этилиши каби янги механизмлар тавсифланган. Тадқиқот натижасида профилактика субъектлари фаолиятини баҳолаш тизими жиноятчиликнинг олдини олишда, жамиятда ҳуқуқий маданиятни оширишда ҳамда давлат ва жамоат институтлари ҳамкорлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этиши илмий



асосланган. Шу билан бирга, мазкур тизимнинг шаффофлик, натижадорлик ва жамоатчилик назорати тамойилларига асослангани таъкидланган.

Калим сўзлар: *Хуқуқбузарликлар профилактикаси, самарадорлик, KPI тизими, маҳалла еттилиги, хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жамоатчилик назорати, рағбатлантириш.*

Хуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш масалалари ҳар бир давлат учун устувор аҳамиятга эга бўлиб, бу соҳадаги самарали фаолият жамиятда хуқуқий маданиятни ошириш, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ўзбекистон Республикасида мазкур йўналишда қатор қонунчилик ва маъмурий асослар яратилган бўлиб, айниқса 2014 йилда қабул қилинган “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонун профилактика фаолиятини тизимли ва комплекс шаклда амалга оширишни назарда тутди. Хуқуқбузарликларни профилактика қилиш нафақат хуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг, балки маҳалла институти, прокуратура, Миллий хавфсизлик хизмати ва жамоатчиликнинг биргаликдаги фаолиятини талаб қилади. Шунингдек, профилактика субъектлари фаолиятининг натижадорлигини баҳолаш тизими ҳам самарали профилактиканинг муҳим элементи саналади. Яқин йилларда Президент фармонлари ва қарорлари орқали (ПҚ–2833, ПФ–209) мазкур баҳолаш тизими янада такомиллаштирилган ва KPI (Key Performance Indicators) кўрсаткичлари орқали профилактика субъектларининг фаолияти натижадорлиги аниқланиши йўлга қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 27 июль куни жиноятчиликнинг олдини олиш, давлат идоралари ва жамиятнинг бу борадаги масъулиятини ошириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида «Агар ҳамма бирдек жон куйдириб, оилалар муаммоларидан тўлиқ хабардор бўлиб, уларни ҳал этишга кўмаклашган, жиноятчиликнинг барвақт олдини олганда эди, бугун натижалар умуман бошқача бўларди. Афсуски, жиноятчиликка қарши курашишда ҳалигача эскича ишлаш тизимидан воз кеча олмаяпмиз. Хуқуқни муҳофаза қилувчи



идоралар бу фаолиятга кўрсаткичларни олдинги давр билан таққослаш орқали баҳо бериб келмоқда. Аслида битта бўлса ҳам жиноят бўлгани ҳаммамизни ташвишга солиши керак», деб таъкидлаб, жиноятчиликни жиловлаш бўйича ишни бутунлай янгича тизимда ташкил этиш бўйича топшириқ берилди. «Жиноят ҳақиқати ва адолати» деб номланган бу тизимга мувофиқ жиноят содир этилганлиги бўйича республикадаги масъул раҳбарлар жойларга борган ҳолда унинг сабабларини ўрганади, муҳокамасини ташкил қилади, шундай ҳолат такрорланишининг олдини олишга қаратилган аниқ чоралар кўради, телевидение, радио ва газетада бонг уради¹ деб топшириқ берилган.

Жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва жиноят содир этган шахсларни жамиятга қайта мослаштириш масалалари давлат сиёсатида устувор вазифалардан бирига айланди². Шу боис, жиноят содир этган шахсларни жамиятга қайта интеграция қилиш, уларни қайта жиноятга йўл қўймаслик учун профилактика тадбирларини самарали амалга ошириш зарурлиги кун тартибда турибди³. Жамият тараққиётида ҳуқуқ-тартибот тизимининг самарали фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 28 январдаги "Жиноятчиликка қарши курашиш ва жамиятда хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги чора-тадбирларни такомиллаштириш тўғрисида"ги фармонларидан бирида таъкидлаганидек: "Ҳар бир инсон ҳаёти ва шаънини ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши самарали чоралар кўриш, жамиятда тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш — давлатимиз сиёсатидаги устувор вазифалардан биридир. Жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва жиноят содир этган шахсларни жамиятга қайта мослаштириш масалалари давлат сиёсатида устувор вазифалардан бирига айланди⁴.

¹ <https://xabar.uz/siyosat/shavkat-mirziyoyev-bitta-bolsa-ham>

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 28 январдаги ПФ-5948-сонли Фармони, расмий веб-сайт — <https://president.uz>)

³ Ниматов Ш. Н. и др. ЁШЛАР ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР ВА ИЖТИМОЙ ПРОФИЛАКТИКА МЕХАНИЗМЛАРИ // ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ. – 2025. – Т. 79. – №. 2. – С. 143-157.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 28 январдаги ПФ-5948-сонли Фармони, расмий веб-сайт — <https://president.uz>)



2014 йилда Ўзбекистонда “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Унга кўра, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фақат милициянинг иши эмас — бу бутун жамият, давлат органлари ва маҳалла бирга ишлаши керак бўлган тизимдир. Қонунда белгиланган вазифаларга кўра профилактика субъектлари жамоат тартиби, шахс ҳуқуқлари ва эркинликлари, қонунийликни ҳимоя қилиш учун фаоллик олиб боради. Мисол учун Қонуннинг 4-моддасида «шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниши», «жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш», «қонунийликни мустаҳкамлаш, коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш» каби вазифалар белгиланган. Шунингдек, профилактика субъектлари ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имконият берувчи шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўришга масъул. Шундай қилиб, профилактика субъектлари фаолияти — содир бўлиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларни олдиндан бартараф қилиш, жамиятда қонунийлик муҳитини шакллантириш ва шахслар хавфсизлигини таъминлашда муҳим бўлади. Профилактика субъектлари фаолиятининг бир нечта муҳим жиҳатлари бор ва булар қуйидагилар:

- профилактика субъектлари ҳуқуқбузарликлар содир бўлишидан олдин чора кўриб, тартиб-ҳавфсизликни сақлашга ёрдам берадилар;
- жамиятда фуқаролар орасида ҳуқуқий онгни ошириш, ҳуқуқбузарлик қилмаслик тамойилини тарғиб қилиш профилактика субъектлари вазифаси;
- профилактика фаолияти фақат жазо билан чекланмайди, балки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, нодавлат ташкилотлар ва жамоат бирлашмалари билан ҳамкорликда олиб борилади. (Қонун 4-моддасида кўрсатилган.)
- ҳуқуқбузарлик содир бўлганидан кейин эмас, балки эҳтимоли юзбериши мумкин бўлган пайтда «шахсни профилактик ҳисобга олиш», «профилактик суҳбат» каби чоралар орқали олдини олиш муҳим



Профилактика субъектларининг самарали фаолияти қуйидагиларни таъминлайди:

- конунийлик муҳити кучаяди, ҳуқуқбузарлик даражаси камаяди.
- фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва конуний манфаатлари яхши ҳимоя қилинади.
- жамиятда ҳуқуқий маданиятнинг ўсиши натижасида келишмовчиликлар, низолар ва ҳуқуқбузарликлар камайиши мумкин.
- оммавий ҳуқуқбузарликлардан жабрланган шахслар учун ижтимоий реабилитация ва мослаштиришнинг самарали тартиби ташкил этилиши мумкин.
- давлат бошқаруви тизимида профилактикага йўналтирилган стратегия ва дастурлар орқали бюджет маблағлари тежалиши ва ресурслар самарали сарфланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.03.2017 йилдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сон қарорида мустақиллик йилларида Республикада ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, мамлакатда ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда ижобий натижаларга ҳамда криминоген вазиятни сезиларли даражада яхшилашга эришилганлиги, шу билан бирга, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи давлат органларининг иш шакли ва услублари, энг аввало ахборот-коммуникация технологияларидан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги сабабли ҳозирги кун талабларига тўлиқ жавоб бермаслиги, давлат идоралари аксарият ҳолларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифаси сифатида баҳолаб, оқибатда ушбу фаолиятга лозим даражада эътибор қаратилмаётганлиги, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларнинг аниқ манзилга йўналтирилмаганлиги ва уларга комплекс ёндашилмаётганлиги,



шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг тизимли равишда содир этилишига доир сабаб ва шарт- шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш самарадорлиги мавжуд эмаслиги кутилаётган натижаларни бермаётганлиги, ваколатли органларнинг етарли даражада ташаббус кўрсатмаётганлиги, лозим даражадаги идоралараро ҳамкорликнинг мавжуд эмаслиги, амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг ўзаро номутаносиблиги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштиришни талаб этаётганлиги кўрсатиб ўтилган. Шунингдек мазкур қарор билан давлат органларининг, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ишлари қонқарсиз деб эътироф этилиб, ҳуқуқбузарликларнинг самарали профилактикасини амалга ошириш давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари, бошқа давлат ташкилотлари, шунингдек хўжалик бошқаруви органларининг устувор вазифаси этиб белгиланган.

Бундан ташқари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштиришнинг таъсирчан тизимини яратиш, қонун бузилишларининг олдини олиш ва уларни бартараф этишнинг замонавий ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш мақсадида ушбу соҳада қуйидагилар а)фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини, шу жумладан аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очик мулоқотни йўлга қўйиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари фаолиятида фаол иштирок этиш, фуқаролар мурожаатлари ва муаммоларига беписанд муносабатда бўлиш ва бюрократик ҳолатларга йўл қўймаслик орқали таъминлаш; б)ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонунчиликни такомиллаштириш чораларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш орқали ҳуқуқбузарликларнинг, айниқса вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида олдини олиш ҳамда уларга чек қўйиш, шунингдек уларнинг содир этилиш сабаблари



ва шарт-шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш бўйича чоратadbирларнинг самарадорлигини ошириш; в) идоралараро ҳамкорликни янада ривожлантириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, шу жумладан видеокузатув, электрон ҳисобга олиш ва ўзаро ахборот алмашиш, идоралараро маълумотлар базалари тизимларини профилактик ишларга кенг жорий этиш; г) жамоатчилик назоратини кучайтириш, ижтимоий ва давлатхусусий шерикчилигини ривожлантириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан тўғридан-тўғри ҳамкорликни йўлга қўйиш; д) амалга оширилаётган профилактика чоратadbирларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини, қонунийлик аҳволи ҳамда жинойтчилик даражаси ҳақидаги маълумотларни аҳолига етказиш масалаларида оммавий ахборот воситалари билан фаол ҳамкорлик қилиш, интернет бутунжаҳон ахборот тармоғи имкониятларидан кенг фойдаланиш, содир этилган ҳуқуқбузарликлар ва уларни бартараф этиш жараёни тўғрисида кенг жамоатчиликни тезкор хабардор қилиш; е) ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини, шу жумладан ҳуқуқбузарликлар динамикаси, уларни содир этиш такрорийлиги, ижтимоий фикр, профилактик ишлар натижасидан фуқароларнинг қониқиш ҳосил қилиши ва аҳоли билан ҳамкорлик даражасини инобатга оладиган баҳолашнинг аниқ мезонларини жорий этиш; ж) ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича идоралараро дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда манзиллилик, соҳавий ихтисослашув, ҳудудий ва бошқа ўзига хос хусусиятлар инобатга олиншини таъминлаш; з) ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, биринчи навбатда аҳоли бандлигини таъминлаш, аёллар ва ёшларни ижтимоий-фойдали фаолиятга жалб этишни фаоллаштириш, вояга етмаганларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича чоратadbирларнинг самарадорлигини ошириш; и) ҳуқуқбузарликлар профилактикаси муаммолари бўйича комплекс илмий ва амалий тадқиқотлар ўтказиш, профилактик ишларни олиб боришнинг замонавий услубиётини жорий этиш; к) ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчилар ва ғайриижтимоий



хулқ-атворли, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган ёки содир этган шахсларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа ёрдам кўрсатиш бўйича чора-тадбирлар тизимини ривожлантириш; л) ҳуқуқбузарликлар профилактикасига фуқаролар ва жамоат ташкилотларини, шу жумладан уларни моддий ва бошқача тарзда рағбатлантириш орқали жалб этиш механизмларини такомиллаштириш йўналишлари ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясини, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратуралари ҳузурида прокуратура, ички ишлар ва Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг тажрибали ходимларидан иборат доимий фаолият юритувчи идоралараро тезкор-тергов гуруҳларини ташкил этиш белгиланган.

Ҳозирда Ҳуқуқбузарликларга қарши курашда профилактика субъектларининг иши рақамлар, натижалар ва аҳоли фикри асосида баҳоланадиган бўлди. Бу дегани — “қанча иш қилдинг?” эмас, балки “натижа қандай бўлди?” деган савол муҳим. “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонун (ЎРҚ-371, 2014 йил): Профилактика субъектлари (ИИБ, прокуратура, МХХ, маҳалла институтлари ва бошқалар) фаолиятининг мувофиқлаштирилиши, мониторинги ва баҳоланишини назарда тутди. Уларнинг ҳамкорлигини таъминлаш, чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш вазифаси юклатилган. Ўзбекистон Республикаси президентининг ПҚ-2833 қарорига кўра ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликка қарши курашиш тизимини такомиллаштириш орқали субъектлар фаолиятини самарадорлик мезонлари бўйича баҳолашни жорий этади.

Баҳолаш мезонлари (КРІлар): Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси томонидан белгиланган аниқ мезонлар:

-Ҳуқуқбузарликлар динамикаси содир бўлган ҳуқуқбузарликлар сони ва ўзгариши;



-ТакрорийлигиБир шахс томонидан такрор ҳуқуқбузарлик содир этиш даражаси;

-Ижтимоий фикр аҳоли орасидаги со‘ровлар ва қониқиш даражаси.Фуқаролар қониқиши;

-Профилактик ишлар натижасидаги аҳоли ишончи аҳоли билан ҳамкорлик, жамоатчилик ва субъектлар ўртасидаги муносабатлар даражаси.

Субъектлар Ички ишлар органлари (ИИБ), Маҳалла институтлари, (“Маҳалла еттилиги”), Бошқа органлар (прокуратура, МХХ, таълим, соғлиқни сақлаш)

Баҳоланадиган йўналиш ҳуқуқбузарликлар ҳисоби, профилактик ҳисобга олиш, чора-тадбирлар амалга ошириш, КРІ бўйича ҳар ойлик баҳолаш (профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва бошқалар), маҳалла раиси 20% балл беришлиги, моддий рағбатлантириш, мувофиқлаштириш ва махсус профилактика самарадорлиги.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги ПФ-209-сон Фармони⁵ маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан оширишга қаратилган бўлиб, унда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари фаолиятини баҳолашнинг янги тизими жорий этилган. Ушбу тизим маҳалла даражасидаги ижтимоий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштиришнинг муҳим қисми ҳисобланади ва Фармоннинг 5-бандида батафсил баён қилинган. Қуйида ушбу тушунча ва унинг хусусиятлари Фармон матни асосида таҳлил қилинади. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизими — бу «маҳалла еттилиги» аъзолари (шу жумладан, профилактика инспектори) фаолиятининг натижадорлигини аниқлаш учун мўлжалланган объектив механизм бўлиб, у асосий самарадорлик кўрсаткичлари (Key Performance Indicators — КРІ) асосида амалга оширилади. Фармоннинг 5-бандига кўра, «маҳалла еттилиги»нинг фаолияти КРІ бўйича алоҳида

⁵ <https://lex.uz/docs/6705763>



баҳоланади, бу эса ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсиз муҳитни таъминлаш каби вазифаларнинг бажарилишини рағбатлантиришга қаратилган.

Профилактика инспектори ушбу тизимнинг марказий субъекти сифатида белгиланган (Фармон 4-банди, в), чунки унинг асосий вазифалари маҳаллада ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқларини амалга оширишда кўмаклашишдан иборат. Баҳолаш тизими коллегиял қарорлар (масалан, ижтимоий ёрдам ажратишда) ва маҳалла раисининг назорати билан боғлиқ бўлиб, умумий маҳалла фаолиятининг шаффофлиги ва адолатини таъминлайди. Фармонга асосан, ушбу тизим қуйидаги хусусиятларга эга:

-KPI асосидаги баҳолаш ва алоҳидалик: Фаолият самарадорлиги KPI кўрсаткичлари бўйича баҳоланади. Бу кўрсаткичлар ходимларнинг иш берувчилари томонидан Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси (Уюшма) билан келишилган ҳолда тасдиқланади (Фармон 5-банд). Профилактика инспектори учун KPI ҳуқуқбузарликларнинг камайиши, жамоат тартибининг сақланиши ва профилактик чора-тадбирларнинг самараси каби ўлчовларни ўз ичига олиши мумкин. Баҳолаш «маҳалла еттилиги»нинг барча аъзолари учун алоҳида амалга оширилади, бу индивидуал жавобгарликни оширади;

-Маҳалла раисининг иштироки ва балл бериш ҳуқуқи: Маҳалла раислари профилактика инспектори каби аъзолар фаолиятини KPI асосида баҳолашда 20 фоиз балл бериш ҳуқуқига эга (Фармон 5-банд). Бу хусусият маҳалла раисининг умумий раҳбарлик ролини кучайтиради (Фармон 4-банд, б; 1-илова, 4-пункт), чунки у ҳар ҳафтада аъзолар ҳисоботини эшитиб, ҳар ойда камида 10 та муаммоли масалани ҳал этишни назорат қилади. Профилактика инспектори фаолиятида бу зўравонлик ҳолатларини аниқлаш ва хотин-қизлар фаоли билан ҳамкорликни (Фармон 4-илова, 4-пункт) ўз ичига олади;



-Моддий рағбатлантириш билан боғлиқлик: 2024 йил 1 январдан бошлаб, «махалла еттилиги» аъзоларининг иш ҳақи асосий иш жойидан берилса-да, КРІ натижаларига қараб моддий рағбатлантирилади (Фармон 6-банд). Бу профилактика субъектларининг фаоллигини оширишга хизмат қилади, чунки самаралилик тўғридан-тўғри даромадга таъсир қилади;

-Коллегиаллик ва шаффофлик тамойиллари: Баҳолаш тизими «махалла еттилиги»нинг коллегиал қарорлари билан узвий боғлиқ (Фармон 5-банд). Масалан, ижтимоий ёрдам ажратишда очиқлик, ҳаққонийлик ва ижтимоий адолат таъминланади, бу профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликларни олдини олишдаги ролини кучайтиради. Тизим бюрократиядан холи бўлиб, маҳалла ички ресурсларини сафарбар этишга (Фармон 2-банд) асосланади.

-Интеграция ва назорат механизмлари: Тизим Уюшма ва маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгашлари билан интеграцияланган (Фармон 1- ва 3-бандлар). Профилактика фаолияти маҳалла раисининг жамоатчилик назорати (Фармон 1-илова, 5-пункт) ва давлат органлари вакилларининг саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш (Фармон 2-банд) билан боғлиқ.

Ушбу тизим маҳаллани ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг таянч бўғинига айлантиришга хизмат қилиб, фуқароларнинг масъулиятини ва давлат-халқ ҳамкорлигини оширади. Фармоннинг амалга оширилиши бош вазир назоратида (8-банд) таъминланади, бу тизимнинг узлуксизлигини кафолатлайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ:

1. Шавкат Мирзиёев. «Битта бўлса ҳам жиноят бўлгани ҳаммамизни ташвишга солиши керак». Хабар.uz ахборот-таҳлилий портали, 27 июль 2018.
2. ПФ-209-сонли Фармон (21 декабр 2023) “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”. Lex.uz миллий ҳуқуқий маълумотлар базаси.



3. Ниматов Шерзод Ниматжонович ва бошқалар. “Ёшлар ва хотин-қизлар жинойтчилигининг олдини олишда норматив-ҳуқуқий асослар ва ижтимоий профилактика механизмлари”. Образование наука и инновационные идеи в мире, 2025, № 2 (Т. 79), с. 143-157.

4. ПФ-5948-сонли Фармон (2020 йил 28 январда) — расмий веб-сайт: <https://president.uz> (вакиллик манба)

5. Қонуни «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида» (2014 йил) — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжати (номаълум йил, № ЎРҚ-371)

6. ПК-2833-сонли Қарор (2017 йил 14 март) — “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”.

7. Расмий манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти сайти — <https://president.uz>